**МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ** — 2-бет

**ҲАЁТБАХШ МИСРАЛАР** — 3-бет

**БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ** — 4-5-бетлар

**ШАХМАТ СЎЗИНИНГ АСЛ МАЪНОСИ** — 8-бет



КУТУБХОНАСИ

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 84 (10.137) | 2004 ЙИЛ 3 МАЙ

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ



Аввал хабар берилганидек Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 30 апрель куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатларга Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов тақдим этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари демократиянинг асосий институтларидан бири бўлган кўп партияли тизимни ривожлантириш учун «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади. Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ортиб бораётгани туфайли мамлакатимиз раҳбари партиялар ишидаги камчиликларни тезда бартараф этиш, бўлажак парламентнинг Қонунчилик палатасига бўлғуси сайловларни инобатга олиб, партияларнинг фаолиятини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бунинг учун ҳар бир партия ўзига хос мақсад ва дастурга эга бўлиши керак. Сиёсий кучлар аҳоли, айниқса мулкдорлар синфи манфаатларини янада дадилроқ ҳимоя қилиши лозим, чунки бу соҳани қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ислом Каримов сиёсий партиялар етакчиларини депутатлар эътиборига ҳавола этилган қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этишга чақирди.

Мазкур ҳужжат юзасидан Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Қарши муҳандислик-иқтисод институти ректори М.Нормуродов, Ўзбекистон либерал-демократик партияси раҳбари, «Пахтабанк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик ўз фикрларини билдирди.

Депутатлар бу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳақида парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди. Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси - бош директори В.Кучеров, Ангор тумани ҳокими Т.Ҳамроев, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Қўқон шаҳар тиббиёт ўқув юрти директори З.Охунованинг чиқишларидан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти А.Носиров, Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари А.Аҳмедов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қизилтепа тумани ҳокими Ш.Набиев, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонунни биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Ушбу қонун қабул қилинди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси Котибияти раҳбари Р.Жалиловнинг фуқаролардан тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглади. Ушбу масала бўйича С.Рашидова маъруза қилди ва депутатлар ҳисоботни маъқуллади.

Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди ва маъқуллади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига айрим ўзгартишлар киритди. Б.Мустафоев, Б.Норхўжаев, М.Қутпиддиновни комиссия аъзолари этиб сайлади, А.Аҳадовни бу вазифадан озод этди.

Сессия Б.Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси вазифасидан озод этди. М.Абдусаломовни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд раиси лавозимига сайлади ва уни Олий хўжалик суди раиси вазифасидан озод этди.

Парламент М.Ғанижоновни Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси этиб сайлади ва И.Мамарайимов, Н.Нормуродов, Н.Тўхлиев ҳамда М.Хўжаевани Олий суд судьяси вазифасидан озод этди.

Сессияда М.Ҳасанбоев Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси этиб сайланди. Т.Юсупов бу вазифадан озод этилди.

Депутатлар А.Аҳадовни Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси этиб сайлади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини якунлади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг янги аъзолари тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, Олий хўжалик судининг судьяси сайланди.

● Тошкентда информатика, электротехника, инглиз, француз, немис тиллари каби 8 та фан бўйича талабалар ўртасида анъанавий республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Ғолибларга пул мукофотлари, дипломлар ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

● Бухорода «Винрог Интернэйшнл» дастури доирасида ЮСАИДнинг «Фермер — фермерга» йўналиши кўмагида деҳқон аёллар ва вилоятдаги фермер хўжаликларининг «Аёл, деҳқон ва фермер хўжалиги» уюшмаси ташкил этилди. Бу нафақат вилоятда, балки бутун Ўзбекистон бўйича шундай йўналишдаги илк ташкилотдир.

● Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот-Бейнов автомагистрал йўли фойдаланишга топширилганидан кейин Қорақалпоғистон иқтисодиётини кўтаришда катта роль ўйнайди. Ҳозирда йўл қурилишида 700 дан ортиқ киши фаолият кўрсатмоқда.

● Андижонда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчи ва талабалари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» республика танловининг вилоят босқичи якунланди.

### Жаҳонда

● БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши оммавий қирғин қуроллари савдосини тугатишга қаратилган резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Унга кўра, БМТга аъзо мамлакатлар ўзларидаги айрим ички қонунларига маълум ўзгартиришлар киритиши керак бўлади.

● Европа Иттифоқи таркибига Эстония, Чехия, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словения, Кипр каби 10 та давлат қўшилиши ҳисобига ушбу нуфузли ташкилот аъзолари сони 25 тага ва аҳолиси 450 миллион кишига етди. Шу муносабат билан барча қўшилган мамлакатлар пойтахтларида катта тантаналар бўлиб ўтди.

● Босния ва Герцеговина парламенти жамоат жойларида чекишни тақиқлаш бўйича қонунни маъқуллади.

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **МИРОБОД** туманидаги «Сарикўл» маҳалласида кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. Тадбирда шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларини тақдирлаш маросими ҳам уюштирилди.

● **ҒАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан меҳрга ташна инсонлар учун хайрия тадбири ўтказилди.

● **БОЛАЖОНЛАРНИНГ** пишиқ-пухта билим олишларини таъминлаш мақсадида Чилонзор туманидаги 162-мактаб қайта таъмирланган бинода фаолият бошлайди. Куни кеча ушбу билим масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўтказилган тадбирда иштирок этган талабалар Европа Иттифоқи таркибидан жой олган давлатлар тарихи ҳамда иқтисодиёти ҳақида ўзаро суҳбат қуришди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

***Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ) Тошкентда жойлашган Ижроия қўмитасида 30 апрель куни ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Божко, Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнин, Қирғизистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари Токон Мамитов, Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати директорининг ўринбосари Виктор Комогоров, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик вазирининг ўринбосари Мухтор Шарипов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов иштирок этди.***

Мажлисни Т.Мамитов бошқарди.

Ишчанлик руҳида ўтган учрашувда Кенгашнинг биринчи мажлиси (Тошкент, 2003 йилнинг 31 октябри) қарорларини ижро этиш жараёни ҳамда Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг ҳозирги ва келгусидаги фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 17 июнь куни Тошкентда ўтажак мажлиси ШҲТни янада ривожлантириш, хусусан, янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этажаги таъкидланди.

Кенгаш Ўзбекистонда ва Россияда амалга оширилган, бегуноҳ инсонлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатларини бир овоздан қоралаб, террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ва халқларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Террорчилик минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи омил бўлиб қолаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан ШҲТ МАТТ доирасида террорчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ўта муҳим ва долзарб эканлиги таъкидланди.

ШҲТнинг Москва саммити (2003 йилнинг майи) қарорида кўзда тутилганидек, жорий йилнинг январидан иш бошлаган МАТТ Ижроия қўмитаси фаолияти билан боғлиқ масалалар Кенгаш диққат марказида бўлди. МАТТ Ижроия қўмитаси Директори В.Қосимовнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТ доирасида 2004-2006 йилларга мўлжалланган ҳамкорликка оид дастурни тасдиқлади, МАТТ фаолиятига доир қатор долзарб масалалар бўйича қарорлар қабул қилиб, МАТТ Ижроия кенгашига топшириқлар берди.

**ЎзА**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Ливия етакчиси Муаммар Қаззофий оммавий қирғин қуролларидан воз кечиб, бутун дунё аҳлини лол қолдирганди. Қаззофий яқин ўн беш йилда биринчи бор Европага қилган сафари чоғида Ливия дунёда тинчликни сақлашда етакчи ўринлардан бирини эгалламоқчилигини ва мамлакат Европа ҳамда Африкани боғловчи давлат бўлишини билдирди. Қаззофий Брюсселдаги чиқишида мамлакат оммавий қирғин қуролларидан воз кечиб, анча ютуқларга эришганини қайд этди.

●Европа Кенгаши ўзининг янги маърузасида Беларус ҳукуматини 1999 ва 2000 йилларда йўқолган тўрт нафар одамни топишга тўсқинлик қилаётганликда айблади. Йўқолган икки сиёсатчи — тадбиркор ва телеоператор мамлакатда машҳур кишилар бўлишган ва президент Александр Лукашенко сиёсатига қарши чиқишган. Маърузада Европа Кенгашига аъзо мамлакатларни Беларус билан муносабатларда энг қаттиқ чораларни қўллашга ва шунингдек, санкция беришга чақирган. Мамлакат ҳукумати айбловни рад этмоқда.

● Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида мамлакат махсус хизмат вакиллари ўтказган амалиётлар давомида уч нафар террорчи ўлдирилди, яна бири ҳибсга олинди. Мамлакат хавфсизлик хизмати вакилининг айтишича, Дамашқда содир этилган отишмаларга алоқадор гуруҳ қўлга олинган. Ҳозир мамлакатдаги вазият тўлиқ назорат қилинмоқда.

● Хитойдан КХДРга палатка, озиқ-овқат ва дори-дармон ортилган юк машиналари етиб келди. Мазкур инсонпарварлик юклари мамлакатнинг Рёнчхон шаҳрида иккита поезднинг портлаши оқибатида жабрланганлар учун жўнатилди. Фожеа натижасида 160 киши ҳалок бўлди, 1300 нафардан зиёд киши жабрланди.

● Американинг «Microvision» компанияси инсонга одатдагидан кўра кўпроқ манзараларни кўриш имкониятини берувчи янги технология яратди. Янги тизим нурларни тўғридан-тўғри кўз қорачиғига етказиб, биз одатда кўраётган атроф- муҳитнинг манзарасини тубдан ўзгартиб кўрсатиши мумкин.

● Тбилисида Грузия «ДАТВИ» сиёсий ташкилоти раҳбари, мамлакатнинг собиқ ички ишлар вазири Темур Хачишвили ҳибсга олинди. Мамлакат прокуратурасидан олинган маълумотларга қараганда, Хачишвили ноқонуний қурол сақлаганликда гумон қилинмоқда.

● Халқаро олимпиада қўмитаси Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада — 2004 ўйинларининг табиий офат ёки террорчилик хуружлари оқибатида ўтказилмай қолиши эҳтимоли учун 170 миллион АҚШ долларига суғурта қилди.

# ОЗАРБОЙЖОНДА НАВОИЙХОНЛИК

***Ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг яқинда юртимизга ташрифи чоғида, пойтахтимизда Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Низомий Ганжавий ҳайкали очилди.***

Озарбойжон ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга кўра, 27 апрелда Бокудаги Рашид Беҳбудов номидаги Давлат Мусиқа театрида «Фузулий ва Навоий шеърият кечаси» ўтказилган. Тадбирда Озарбойжоннинг таниқли маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилари, Ўзбекистоннинг Озарбойжондаги элчихонаси вакиллари иштирок этган.

Кечада икки буюк шоир бебаҳо меросининг бугунги кундаги аҳамияти, шунингдек, ўзбек ва озарбойжон халқларининг ҳаётидаги муштараклик ҳақида сўз юритилган. Тадбирда сўзга чиққан мамлакатимизнинг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдуғофур Абдураҳмонов, Ўзбекистон «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, озарбойжонлик таниқли навоийшунос олима Жаннат Нагиева ва бошқалар икки миллат адабиётининг етук намояндалари ижодидаги умумийлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик намунаси эканини таъкидладилар.

Кечада озарбойжонлик санъат усталари ижросида Навоий ва Фузулий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Семинарлар*

# САЙЛОВЛАР ЖАРАЁНИДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ

***Маълумки, бу йил сайловлар йили. Шу сабабдан жойларда парламент сайловларини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси «Elnajot» нодавлат, нотижорат хотин-қизлар ташкилоти билан ҳамкорликда Яккасарой туманида «Сайловлар жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзусида икки кунлик семинар ташкил этди. Анжуманга Яккасарой, Миробод, Мирзо Улуғбек туманларидаги етакчи қизлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилди.

Семинарнинг очилишида сўзга чиққан «Elnajot» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти раиси Муаттар Пўлатова бугунги кунда жамиятда аёлларнинг тутган ўрни кучайиб бораётганлиги, умуман жамоат ташкилотларининг ҳаётимиздаги ўрни хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Фридрих Эберт номли жамғарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонасининг раҳбари Райнхард Крумм аёлларнинг жамиятдаги ўрни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова «Хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимидаги иштироки ва раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тўғрисида» мавзусида маъруза қилди. Маърузалар юзасидан савол-жавоблар бўлди.

Сўнг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг вакиллари сайловларни ўтказиш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва сайловолди дастурини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари масалаларига батафсил тўхталиб ўтишди.

«Сайловолди дастурини ишлаб чиқиш ва унинг тақдимоти», «Сайловлар ўтказилиши», «Дебат-мунозара» мавзуларидаги тренинглар ҳам йиғилганларда катта тааcсурот қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Хўжаеванинг «Ўзбекистонда сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари» маърузаси, шунингдек «Аёл — депутат», «Лидерлик фазилатларининг шакллантириш йўллари ва услублари» мавзусидаги чиқишлар, «Лидерликка қандай эришиш мумкин» йўналишидаги тренинг ҳам иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитишга катта ҳисса қўшди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Касбдошларимиз*

# МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

***Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар катта ишларга қўл уришмайди, кашфиётлар қилишмайди, лекин ўзларининг камтарона меҳнатлари билан эл-улус ҳурматига сазовор бўлишади. Сиз суратда кўриб турган Фаттоҳ Абдураҳимов ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради.***



Биз Фаттоҳ ака билан анчадан бери танишмиз. Тез-тез учрашиб, турли мавзуларда суҳбатлашиб турамиз. Кўпинча касбимиз билан боғлиқ масалалар юзасидан сўз юритамиз. Баъзан газеталарда эълон қилинган мақолаларимиз ҳақида ўз қарашларимизни билдирсак, баъзида эса энди ёзилиши белгиланган мавзулар хусусида баҳслашамиз. Шундай дўстона суҳбатларимиздан бирида Фаттоҳ акадан сўраб қолдим.

— Ўзингиз анча тажрибали қаламкашсиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист деган юксак унвонингиз бор. Лекин умр бўйи транспортчиларнинг кўп нусхали газетасида ишлаб келасиз. Ахир баобрўлироқ нашрларда ишласангиз ҳам кучингиз етади-ку?

Бу сўровимиз Фаттоҳ акага ёқмади шекилли, у қошини учириб, юзини буриштириб қўйди. Кейин менга қараб жилмайиб, деди:

— Бошқаларни билмадиму, лекин мен учун катта-кичик нашрлар йўқ. Борингки, сиз айтгандек фарқланганда ҳам, уларнинг ҳаммасининг мақсади битта — халққа хизмат қилиш, одамлар оғирини енгил қилишдан иборат. Шундай экан, у газетада ишладим нима-ю, бунисида ишладим нима. Барибир ўз сўзимни, дилимдаги гапимни матбуотда айтаяпманку. Қолаверса, ота-боболаримиздан қолган «Дарахт бир жойда кўкаради», деган чиройли гап бор. Энг ёмон кўрганим ўртадаги арзимас фарқ, ёки мансабни кўзлаб у ишдан бу ишга сакраб юриш. Тақдирим «Мотор» (ҳозирги «Пойтахт транспорти») газетаси билан боғлиқ эканлигидан хурсандман.

Очиғи саволимдан ўзим бироз хижолат тортдим. Чиндан ҳам ўйлаб қарасак Фаттоҳ Абдураҳимов ҳаётини «Пойтахт транспорти»дан айро санаб бўлмас экан. У умр бўйи, яъни 1964 йилдан то шу кунгача ушбу газетада фаолият кўрсатиб келяпти. Орадан ўтган 40 йил мобайнида Фаттоҳ ака шу нашрнинг нуфузини ошириш, ўқувчиларнинг севимли газетасига айлантириш йўлида хизмат қилди. «Меҳнат қилган элда азиз» деганларидек, унинг узоқ йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У биринчилар қаторида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўсатган журналист» унвонини олишга сазовор бўлди.

— Менинг журналистлик касбига қизиқишим армия сафида хизмат қилиб юрганимда шаклланган, — деб эслайди Фаттоҳ ака. — Белоруссияда хизмат вазифасини ўтаётган вақтимда армия газетасида қуролдошлар ҳақида ёзиладиган мақолаларга танлов эълон қилинди. Шуни ўқидиму, ўз кучимни синаб кўриш мақсадида хизматдошларим ҳақида кетма-кет уч-тўртта мақола ёзиб таҳририятга жўнатдим. Биринчи мақолам босилиб чиққан куни ўзимни қўярга жой тополмадим. Кейин эса иккинчи-учинчи мақолаларим ҳам газетада чоп этилди. Омадни қарангки, танловда фахрли учинчи ўринни эгалладим.

Хизмат бурчини ўтаб қайтгач, Фаттоҳ ака ҳеч иккиланмай ҳужжатларини Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультети, кечки журналистика бўлимига топширди. Кундузлари «Шарқ» матбаа- концернида, кейинчалик эса Ўзбекистон телевидениесининг Ахборот бўлимида ишлаб ўқишни амалиёт билан боғлаб борди.

1964 йили университетни тугатгач, у Тошкент шаҳар трамвай, троллейбус бошқармасининг (ҳозирги «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси) кўп нусхали «Мотор» газетасига йўлланма олди.

— Шу ерда мен бахтимни топдим. Оилали бўлдим, уч қиз, бир ўғилнинг отасиман. Ҳозирда 14 набира, 7 эваранинг бобосиман, — дейди у.

Фаттоҳ Абдураҳимов 70 ёшни қоралаётган бўлса-да, ҳали ҳам ўз севимли газетасини тарк этгани йўқ. Бугун ҳафтада бир марта 8 саҳифадан иборат чоп этилаётган «Пойтахт транспорти» газетасининг ўқимишлилигини ошириш йўлида газетанинг бош муҳаррири ўринбосари сифатида хормай-толмай меҳнат қилмоқда.

**Маҳмуд ОРИПОВ**

***Экологик таълим-тарбия — бу бутун инсониятнинг тириклик, гўзаллик сингари туйғуларини мушоҳада қилувчи, келажакка умид кўзи билан қаровчи ҳар бир фуқаро, хусусан ёш авлод учун муҳим дастурлардан ҳисобланади.***

*Тақдимот*

# ЎҚУВЧИЛАРГА ЭКОЛОГИК ҚЎЛЛАНМАЛАР

Яқинда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги «Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуасида мажмуа мутахассислари томонидан тайёрланган умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган экология йўналишидаги «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида етти сабоқ» ва «Экология алифбоси» ўқув қўлланмалари ҳамда олий ўқув юртлари учун «Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи» дарслигининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда Тошкент шаҳридаги мактаб ўқитувчилари, экология йўналишидаги тўгарак раҳбарлари, Халқ таълими вазирлиги, Осиё тараққиёт ва ривожланиш банки, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий Осиёда Табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш дастури (USAID), нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Ажойиб ва гўзал диёримизнинг ёш авлоди ушбу қўлланмани ўқиб чиққач, уларнинг қалбида табиатни муҳофаза қилиш, унинг манбаларидан оқилона фойдаланиш каби хислатлар уйғониши табиий.

Мазкур қўлланмада мустақил диёримизда олиб борилаётган экологик таълим-тарбия ва унинг муаммолари очиқ-ойдин баён қилинган. Шунингдек, атроф-муҳитнинг мувозанати, унинг бузилиши оқибатида инсон руҳияти, саломатлиги, эътиқоди, тарбияси ва ирсиятида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилган. Умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига мўлжалланган экология йўналишидаги ушбу қўлланмалар «Bioekosan» мажмуасининг Осиё тараққиёт ва ривожланиш банкининг «Умумтаълим мактаблари учун дарсликларни чоп этишни такомиллаштириш дастури» доирасидаги ҳамкорлиги мевасидир.

Ўйлаймизки, ушбу экология йўналишидаги ўқув қўлланмалари ёш авлодда экологик саводхонликни ва маданиятни шакллантиришда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Таълим*

## ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ МАЛАКА

***Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган касб танлаш ва касб-ҳунарга ўргатиш республика ихтисослашган лицейида амалга оширилаётган таълимий жараёнлар самарали бўлмоқда. Ҳозир билим даргоҳи ихтиёрида иккита бино бор.***

Уларнинг бирида умумтаълим фанлари бўйича ўқув машғулотлари ўтилса, иккинчисида касбга йўллаш амалиёти амалга оширилади. Бу эса бухгалтер, иқтисодчи, менежер, қандолатчи, тиббиёт ҳамшираси каби ихтисосликларни ҳам назарий, ҳам амалий ўзлаштириш имконини бераётир.

Лицей илғор тажриба марказига ҳам айланиб қолди. Тошкент Давлат педагогика университети талабалари ҳам бу имкониятдан баҳраманд бўлишмокда. Шу кунларда олий ўқув юртининг биология ва муҳандис- педагогика факультетлари талабалари учун машғулотлар ташкил этилди.

## ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

***Халқаро «ПЕАКС» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган «Қадамба қадам» дастурига бундан беш йил аввал Нидерландияда асос солинган эди. Ушбу дастур Ўзбекистонда татбиқ этилганига икки йил бўлди.***

Бу орада мамлакатимизда бола шахсини, унинг гармоник ривожланишини ўстириш, саломатлигини яхшилаш йўлида қатор ижобий натижаларга эришилди. «Бола мактабга тайёрми?», «Учинчи минг йиллик боласи» деган услубий ишланмалар юзага келди.

Ана шу тажрибаларни амалга ошириш бўйича тендер ўтказилди. Унда «Шарқ зиёкори», «Олмалиқ мебель комбинати» каби корхоналар ғолибликни қўлга киритдилар.

## ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР

***Янги инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўлида кўрилаётган таълимий тадбирлар ёшларда умумкасбий малакаларни оширишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Тошкент шаҳридаги тиббиёт коллежларида ҳам шундай курслар йўлга қўйилди.***

Тиббиёт коллежлари директорлари раёсати ташаббуси билан Тошкент Давлат педагогика университети билан шартнома тузилди. Ўзаро келишув асосида бу олий ўқув юрти олимлари коллеж ўқитувчилари учун янги инновацион технологиялар бўйича машғулотлар ўтказишга киришдилар.

Тингловчиларга махсус педагог-тендерлик сертификати ҳам берилади.

**Акбар АЛИЕВ**

*Хотира — уйғонса гўзалдир*

## ҲАЁТБАХШ МИСРАЛАР

***Маъюс куним кўзим тушса,***
***Куяр осмон, тушунмайсан.***
***Мени само тушунгайдир,***
***Сен эй инсон, тушунмайсан..***
***Куйиб кўксим ўтар бўлсам,***
***Оқар бўлсам, кетар бўлсам,***

***Мени дарё тушунгайдир,***
***Сен эй уммон, тушунмайсан...***
***Ғуборимдир бўйи райҳон,***
***Миноримдир тилим бийрон.***
***Мени дунё тушунгайдир,***
***Сен эй нодон, тушунмайсан.***

Ҳар сафар аллақачонлар ёд бўлиб кетган мана шу сатрларни ўқиганимда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг маъюс, ўйчан қарашлари кўз олдимга келаверади. Шундай кезларда у ҳақда бир хотира ёзишни дилимга жо қиламану, яна ўйланиб қоламан. Ахир бу камтарин шоир ҳақида кимлар дил сўзларини айтмади, хотира ёзмади дейсиз. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовдан тортиб, таниқли хонандаларгача бор. Албатта бу устозлардан ўтказиб сўз айтиш қийин. Шундай ўй-фикрлар орасида куймаланиб юрган кезларимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилиндию, ўйлаб қўйган режамни амалга оширишга яна бир туртки бўлди. Ке, нима бўлса бўлди дедиму, «бўзчи билганини тўқийди», нақлига амал қилиб қўлимга қалам олдим.

Биз Муҳаммаджон билан қалин дўст эдик десам, ўзимга ортиқча баҳо бериб юборган бўламан. Лекин ҳар қалай у билан муносабатимиз яхши, кўрганда хуш кўнгил билан кўришадиган ҳамфикр ва қолаверса, ҳамкасблар эдик. У биз билан бир сафда «Тошкент оқшоми» газетасида ишлаб юрган кезларида дилимиз дилимизга тўғри келиб қолган эди. Муҳаммаджон анча ёш бўлсада, ўзгалардан иқтидорли бўлгани учун таҳририятимизда адабиёт ва санъат бўлимини бошқарарди. Баъзан илҳом келганда адабий жанрда ёзган қораламаларимизни биринчи навбатда унга тутқазиб фикрини билишни истардик. У ўта самимий, ижодкор меҳнатини қадрлаган ҳолда кишини ранжитмай ўз фикр-мулоҳазаларини баён этарди. Гап мазмунидан ёзганларимиз ҳали газетхонларга тақдим этиш даражасига етмаганлигини сезсак ҳам ундан сира хафа бўлмасдик, балки Оллоҳ берган иқтидорига яна бир карра тан берардик, унинг ҳақиқий сўз заргари эканлигига ишонч ҳосил қилардик.

Минг бора такрорланган бўлсада яна айтишга мажбурмиз. Муҳаммад Юсуф адабиётга баъзилардек атак-чечак қилиб эмас, балки шиддат билан кириб келди. Ҳаммани лолу ҳайрон қолдириб тезда мухлислар оғзига тушди. Унинг ёзганлари ҳали сиёҳи қуриб улгурмай қўлмақўл бўлиб кетди. Ҳали матбуотда эълон қилинмай туриб қўшиқчилар тилига тушди, мусиқашуносларга илҳом бағишлади. Юксак-юксакларга парвоз қилган эркин қушдек радио тўлқинларию, телевизор экранлари, эътиборли тантаналар ва эъзозли байрамларда баланд пардаларда оҳангдор жаранглади.

Муҳаммад Юсуфнинг ёзганлари ўзи каби оддий, жуда содда, лекин ўта халқчил эди. Бир қараганда жўнгина кўринган равон мисраларда олам-олам маъно ва мазмун бор эди. Унча-мунча қалам аҳли ҳар қанча уринмасин унга ўхшатиб ёзолмасди. Ўша жўнгина мисралар ҳаяжонсиз ўқилмасди.

**Кўнглим қолса булбулдан ҳам,**
**гулдан ҳам,**
**Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам.**
**Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам,**
**Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...**

**Онанинг фарзандга бўлган меҳрини бундан ортиқ таърифлаб бўладими. Ёки**

**Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,**
**Ҳам оқ ювиб — тарагансан**
**ўзинг бизни,**
**Бешигимиз узра бедор она бўлиб,**
**Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.**
**Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,**
**Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.**

Юртга бўлган меҳр-муҳаббатни шу қадар содда, равон тилда ким ифода эта олади? Бунинг учун фақат Муҳаммад Юсуф бўлиш керак. Балки шундан бўлса керак, йиллар ўтсада, унинг ёзганлари худди куни кеча битилгандек ўз долзарблигини йўқотмай, эл севган хонандалар оғзидан тушмай келаётир.

Муҳаммад Юсуфнинг Худо берган қобилият эгаси эканлигига кўплар гувоҳ бўлишган, тан беришган. Масалан адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов унинг машҳур «Кўкламойим» шеърини ўн -ўн беш дақиқада ёзилганлигига шоҳид бўлганлигини айтса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳриддин Холиқов (марҳум) Муҳаммад Юсуфнинг «Қизғалдоқ» шеърининг туғилиши ҳақида таъриф беради. Очиғини айтганда, бундай ижодий лаҳзаларга гувоҳ бўлган машҳур ҳофизу хонандаларни санаб саноғига етиб бўлмас. Биргина Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев билан суҳбатлашсангиз бунақа хотиралардан қанча-қанчасини сўзлаб беришади. Шоирнинг бетакрор ижоди ҳақида мароқ билан гапиришади.

Муҳаммад Юсуф газетамиз таҳририятида ишлаб юрган кезларда Мақсад Яхшиев номи билан газета саҳифаларида танқидий йўналишдаги луқмалар, бир қатор қатра ва мақолалар пайдо бўлди. Кейин билсам уларнинг муаллифи Муҳаммаджон экан. Ўшанда ундан нима учун бундай тахаллус танлаганини сўраганимда: «Мақсадим ўзимнинг шу мўъжаз чиқишларим билан одамларга яхшилик қилиш», деб жавоб берган эди. Ўшандан бери Муҳаммад Юсуф фақат одамларга яхшилик қилиб келди. У кундалик ҳаётида, ўз шеърларида инсонларга яхшилик улашиб келди.

Муҳаммад Юсуф яхши инсон эди. У нафақат ўзига, балки ўзгаларга ҳам меҳр-оқибатли эди. Мана бир мисол. У билан охирги учрашувимиз ҳамон эсимда. Метронинг Мустақиллик бекати яқинида шоирлар Турсунбой Адашбоев, Темур Убайдулло билан суҳбатлашиб турсак Муҳаммаджон келиб қолди. У даврамизга қўшилиши билан суҳбат ўз-ўзидан қизиб кетди. Шунда у менга қараб: «Сиз Ёзувчилар уюшмасига аъзосиза», деб сўраб қолди. Мен журналистлигим, ёзувчиликка даъвойим йўқлигини айтдим. «Йўқ, — деди у, — кўпдан бери ижодингизни кузатиб юраман Сизнинг уюшмамизга аъзо бўлишга арзигулик меҳнатингиз бор». Унга эътибори учун чин дилдан ташаккур айтдим.

Ёз кунларидан бирида Муҳаммаджон билан тасодифан яқин танишимизнинг уйида ўтаётган никоҳ оқшоми кечасида учрашиб қолдик. Шунда у мени ўз ёнига таклиф этди. Суҳбат орасида даврани олиб бораётган йигит табрик учун каминага сўз бериб қолди. Кутилмаган таклифдан бироз саросимага тушдим. Муҳаммад Юсуфнинг салобати босди. Ўртага чиқиб куёв ва келинни табриклаган бўлдимда, Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг машҳур «Муножотни тинглаб» шеърини ифодали ўқиб бердим. Ўрнимга ўтиришим билан Муҳаммад Юсуф яхши дегандек қўлимни сиқиб қўйди. Кейин оқ қоғозга ёзилган бир шеърни қўлимга тутқазди. «Муҳаббатим» деб номланган бу шеърни бир зумда ҳаяжонланиб ўқиб чиқдим. У шундай сатрлар билан бошланарди.

**Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим,**
**Жайронкўзим тоғларда қолган оҳим.**
**Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,**
**Энди сени излаб қайдан топарман.**

Шеърни ўқиб бўлишим биланоқ у сўраб қолди.

— Янги ёздим. Қалай маъқулми?

Мен шу шеърни менга беришини, уни кези келганда шундай davраларда айтиб юришимни илтимос қилдим.

— Албатта бераман. Ҳозирча бир нусха. Кўпайтириб бераман.

Эртасига шу шеърни олиш учун атайлаб унинг олдига бордим. Ўшандан бери бу шеър менинг энг яқин ҳамроҳимдек бўлиб қолган. Баъзан тушкун кайфиятга берилганимда уни такрорласам, хаёлимда ширин бир қўшиқ тинглагандек бўламану, руҳим кўтарилади.

Муҳаммад Юсуф ўзининг чуқур мазмундор шеърлари, бетакрор ижод намунаси билан эл оғзига тушди. Унинг меҳнатлари юксак қадрланди. Ўзбекистон Халқ шоири деган шарафли номга сазовор бўлди. Олий Мажлис депутати сифатида фаолият кўрсатди. Ардоқли шоир қисқа умр кўрсада ўзидан мангуликка дахлдор бўлган катта бир шеърий хазина қолдириб кетди. Бу хазина шу қадар туганмаски, уни кавлаган саринг янги-янги қирралари очилиб, оҳангрободек барчани бирдек ўзига тортаверади.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## ҲАҚ СЎЗ МАНГУ ЯШАР

**Истеъдод юз йилда келади бир бор,**
**Улуғ инсонларнинг биламиз қадрин.**
**Не-не зотларни биз йўқотдик ахир,**
**Варақлаймиз энди умр дафтарин.**

**Бугун кўзларда нам, дилимизда ғам,**
**Шеърлар бўзлаб қолди, ҳофизлар ҳайрон.**
**Эрта айрилдик-ку халқ шоиридан,**
**Эслаймиз ҳамиша қалбимиз вайрон.**

**Лек ўлмагай шеър, боқийдир шоир,**
**Қалбларга солди у, эзгулик—меҳр.**
**Ҳақ сўз мангу яшар, яшашга қодир,**
**Жо бўлган дилларга шеърдаги сеҳр.**

**Элимнинг севимли дилкаш ўғлони,**
**Она Андижонин фахр-ифтихори.**
**Шеърият осмонин ёруғ чўлпони,**
**Она-юрт куйчиси ўзинг Муҳаммад!**

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

*Хатжилдларни қайчилаганда*

# ЭНГ НОЗИК НУҚТА

*Ҳар киши нокас ила ҳамкосадур,*
*Минг шарофатни касофат босадур.*

*Машраб.*

***Раҳимжон Мирзақулов Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида истиқомат қилади. Шуниси қувончлики, бу инсон матбуотда мақолалари, лавҳалари билан қатнашиб келади. Дарвоқе, Раҳимжон ака кўп йиллардан бери «Тошкент оқшоми» газетасини мунтазам кузатиб боради. Унинг айтишича, газета саҳифаларида эълон қилинаётган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Ибратли ҳикоятлар», «Зийрак бобо шаҳар кезади» рукнлари остидаги мақолалар, шаҳар ҳаётига оид янгиликлар ва спорт хабарлари қизиқарлилиги, газетхонни ўзига тортиши билан ажралиб туради.***

***Раҳимжон ака бу сафарги пойтахтга келишида таҳририятимизга ўзининг дилидан кечаётган фикрларини тақдим этиб «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасида эълон қилишимизни илтимос қилди. Қуйида Раҳимжон аканинг «Одам нега адашади?» сарлавҳали дилидан кечган ўйларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.***

Мен ҳам ана шунга доғман-да! Қани айтингчи, онгли, ақл-ҳушли, қадди-қоматли, гўзал, мукаммал одамлар бўлсагу, ҳа деганда адашиб турсак, нега шунақа? Сезиб турибман, кўнглингиздан ҳозир: «Хом сут эмган банда», «Беайб — парвардигор» каби гаплар ўтяпти. Тўғри, бу гаплар — айни ҳақиқатнинг мағзи. Бунга шак келтирмаган ҳолда, қолипдан чиқиб ўйлангчи, ахир, адашмаслик ҳам мумкин эди-ку? Мумкин эди, бироқ... Ҳақиқатнинг мағзи — юқоридаги каби гапларни одам доимо адашганидан сўнг ёд этади. Яъни ўз ожизлигини шу билан ниқоблайди. Бу пайтда унинг фойдаси бўлмайди. Қайтанга зарари тегади — одам ожиз, дангаса бўлиб қолади. Одам бу гапларни хато қилмай туриб, мудом ёд этиб яшаши, шу ҳикматдан ибрат, қувват ола билишга одатланиши даркор.

Суд зали. Бу ерда бугун очиқ суд мажлиси бўляпти. Шунинг учун зал одамга тўла. Темир қафасга бу сафар қотил эмас, номусга теккан эмас, ўғри ҳам эмас, балки... порахўр қамалган. Бугун — ҳукм ўқиладиган кун. Ҳакам ва маслаҳатчилар чиқиб ўз жойини эгаллашди. Оқловчи ва қораловчи ҳам чиқди. Иш бошланди.

— Судланувчи Топпонқулов, сиз ўз лавозимингизни суиистеъмол қилган ҳолда Соппонқуловнинг ишини битириб бериш эвазига ундан катта миқдорда пора олганингизга иқрормисиз? — дея сўради ҳакам.

Топпонқулов биров кутмаган жавобни қилди:

— Бироқ унинг иши хамирдан қил суғургандай силлиқ ва тез битди-ку? Мен ваъдага вафо қилдим-да, алдамадим-ку!

— Иқрормисиз, деб сўраяпман.

— Мен... унинг ишини... Иқрорман...

Хуллас, Топпонқулов «кесилиб» кетди, унинг иснодини кўпчилик гарданига олди. Шу куни суд тугагач, залдан чиқаверишда бир кишини кўрган эдим. Бошини ғоз тутиб кетаётганди... Орадан икки ой ўтиб, судда яна бир порахўрга ҳукм ўқилди. Порахўр ким экан, денг? Қаранг, темир қафасдаги жиноятчи — менинг ўша танишим эди!..

Яна бошқа бир танишим бор, илгари гавдаси камон каби эгилганди, паттойи (камбағаллик) ковушини зўрға судраб юрарди. Мен билан оқибати яхши эди. Унинг бир дўсти бўлиб, тижорат орқасидан ейиш-ичишига маза кирган, тагида «иномарка», уй-жойи ҳавас қилгудек. Ўзига ҳам ҳамма ҳавас қиларди, катта-ю кичикка бирдай, қўли кўксида, доим аввал салом беради. Ҳозир ҳам шундай. Танишим шу дўсти билан шерикчилик қила бошлади. Қозиғидаги якка-ю ягона қўйни сотиб тижоратга қўшилган танишим ҳадемай носнинг ўрнига сигарет чекишга ўтди. Беўхшовтана қўйди, гавдаси камондек тортиб турган ип узилди. Охир-оқибат унинг кўзи скатомага чалинди, қўли ва оёғига ҳам дард тегди. Яъни кўзи ҳамманиям бирдай равшан кўрмайди, қўли сўрашишга ҳар кимгаям чўзилавермайди, оёғи «зиён»га (савобга) юрмайди. Билмас эканман, унинг бошқаларни камситадиган, хўрлаб ҳузурланадиган феъли ҳам бор экан... Бу ҳолни Оллоҳ ҳам кўриб турган экан. Унгаям ёқмади чоғи, бир силтов билан танишимни бурунги ҳолатига қайтарди қўйди...

Мактабда кимё фанини ўқигансиз-а? Унда ҳар бир мушкулотни ечувчи ўз формуласи бўлади. Шу формулага солсангиз, мисол-масала осонгина ечилади. Ҳаётда адашмасликни ким ҳам истамайди, дейсиз. Шуни инобатга олиб, мен бир формула яратдим. Киши ўзини шу формулага солиб юрса, у ҳеч қачон адашмайди. Мана у: ҲБхҒК+ШЁС+ЎУЎҚФ=СЭҲҚА,Т. Ҳеч нарса тушунмадингиз, чоғи. Қаранг: ҲБхК — ҳаётда бахтли ёки ғарибни кўрганда; ШЁС — шуни ёдда сақланг; ЎУЎҚФ — ўзингизни унинг ўрнига қўйиб фикрланг; СЭҲҚА,Т — Сиз энди ҳеч қачон адашмайсиз, табриклайман.

Формуладаги энг нозик нуқта — ЎУЎҚФ. Ҳаётда адашганлар шунга амал қилмайдилар, холос. Агар биринчи танишим судда ўзини темир қафас ичида ўтирган порахўрнинг ўрнига қўйиб, фикр юритганида, икки ойдан кейин ўзи ҳам шу айб билан қамалиб кетмас эди. Ёки бир кисса пули бир вагон акча «туққан» кейинги танишим ўзини дўстининг ўрнига қўя олганида, Худо ҳам уни адаштирмасди.

Одамлар, уларнинг тақдири, қисмати ўзи бир даво. Улар сизни бало-қазолардан асрайди. Сизнинг кўзингиз очиқ, ақл-фаросат ва ниятингиз тиниқ бўлса, албатта.

**Раҳимжон МИРЗАҚУЛОВ,**
**Бешариқ тумани**



***Кунлар илиб, ҳамма ёқ ям-яшил либосга бурканиб, атроф-муҳит ўзгача чирой оча бошлади. Шаҳримиздаги кўркам маданият ва истироҳат боғлари ҳам ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига чорламоқда. Ана шундай фараҳбахш кунларда бувалару бувижонларнинг набиралари қуршовида боғни сайр этишларига нима етсин.***

*Дилдаги гаплар*

# ҲАММАМИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛАРДИ

***Ҳар биримиз кунига жамоат транспортлари — автобус, троллейбус ва трамвайлардан фойдаланамиз. Ушбу транспорт воситаларининг йўловчиларнинг узоғини яқин қилишда, манзилларига хавф-хатарсиз етказиб қўйишда хизматлари каттадир.***

Айниқса кейинги йилларда йўловчиларга ҳар томонлама қулай ва шинам, замонавий ва сифатли хизмат кўрсатадиган «Мерседес-Бенц» автобуслари ва «Отайўл» микроавтобусларининг кўпайиб бораётгани ҳақида мамнуният билан эслаб ўтиш ўринли.

Ушбу автобусларга ишдан ҳориб, чарчаб, асаблар таранглашиб чиққанда салоннинг озодалиги, бежирим, дид билан ғилофланган ўриндиқлар беихтиёр кишида қониқиш ҳосил қилади. Бир оз бўлсада ҳордиқ олишга имкон яратади. Лекин айрим вақтларда йўловчиларга, яъни барча ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатаётган янги автобусларнинг ғилофлари қирқилган, ўйиб ёзиб ташланганини кўриб хафа бўлиб кетади киши.

Нега кеча кўзимизни қувнатиб турган, фақат ўзимиз учун хизмат қилаётган жиҳозлар бугун кимнингдир айби билан дилни хуфтон қилиши керак.? Ёзаётган, ёки қирқаётган ўсмирни, ёки шу ишни қилаётган, ўзини ҳам бошқаларни ҳам ҳурмат қилмайдиган шахсларни кўриб нега индамаймиз. Бу бизнинг, катталарнинг айби деб ўйлайман. Не-не орзу-ҳаваслар билан фарзанд ўстираётган ота-она аввало ўғил ёки қизига тўғри тарбия бера олиши керак.Жамики инсонга хизмат қилаётган барча нарсалар фақат ўзимизники, уни асраб-авайлаш ҳаммамизнинг бурчимиз экани онгимизга қуйилиши керак. Болага жуда ёшликдан бу нарсалар уқтириб борилиши керак.

Яна бир гап. Айрим вақтларда йўловчиларнинг истеъмолчи эканини ҳамма ҳайдовчи ва чиптачилар ҳам тушуниб етмаяптилар чоғи. Чунки улар ўртасида бўлаётган даҳанаки савол-жавобларни эшитсангиз ҳайрон қоласиз. Йўловчи, яъни истеъмолчи сифатли, кафолатли, тоза, озода салонда, вақтида (бекатларда хоҳлаганча тўхтаб, одам йиғиб турмай) хизмат кўрсатишни талаб қилишга ҳақли. Нега охирги бекатларда тўхтаганда чиптачилар ёки ҳайдовчиларнинг ўзлари тасарруфларидаги мулкнинг тозалиги, санитар ҳолатини бир кўздан кечириб қўймайдилар. Айрим автобус ойналарининг кирлигидан кўнглингиз кетади, йиллаб ювилмайди шекилли деб ўйлайсиз.

Кўнгилда бундай гаплар кўп, айтаверсак адо бўлмайди. Мақсад эса ягона: бир осмон остида, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон бир-бирини тушуниб, асраб-авайлаб яшасин. Шундагина қатор кўнгилсизликларнинг олди олиниб, бир-биримизга ёруғ юз, покиза дил билан боқамиз.

**Шаҳризода МУХСИМОВА**

*Тўқилмаган ҳикоялар*

## БИЛМАЙ БОСИЛГАН ТИКАН

***Маҳалламизда Ҳазрат карвон исмли кекса бир киши яшарди. Чолнинг деярли ўзи тенги кампиридан бошқа ҳеч кими йўқ эди, шекилли, деярли бирон киши ундан ҳол-аҳвол сўрамасди.***

Чол ҳар куни уйининг ёнидаги ўриндиқда ўтирар, биз мактаб болаларининг саломимизга бош қимирлатиб алик оларди. Кўзи анча хира тортиб қолганди. Унча-мунча одамни танимасди.

Нимагадир, одамлар ундан ўзини узоқ оларди. Маҳалланинг энг ёши катта отахони саналса-да, одамлар унга рўйхушлик бермас, тўй-маъракаларга айтиб-нетиб ўтирмасди.

Ҳазрат карвон шу тариқа яккамохов бўлиб ўтиб кетди. Олдинма-кейин кампири ҳам у дунёга рихлат қилди. Унинг дафн маросимида ҳам жуда оз киши қатнашди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Ўша воқеаларни ўз кўзимиз билан кўрган бизлар ҳам оқ-қорани танийдиган ёшга етдик.

Бир гал пойтахтдан уйга борганимда отамдан Ҳазрат карвон, аниқроғи, унинг мен учун сирли бўлиб қолган тақдири ҳақида сўрадим.

— Эҳ, ўғлим, — деди отам чуқур хўрсиниб, — айни қирчиллама қиш эди, боз устига номинг ўчгур уруш, бало-қазодай халқни қираётган вақти бўлган. Бекорга Ҳазрат карвонни, «карвон» дейишмайди. У ўз номи билан карвон-да. Йиғиштирилган ғаллани ортиб марказга жўнатадиган карвонни у назорат қилиб турган. Биласан, бундай одамлар ўзига тўқ яшашади. Одамлар унинг уйига нон тиланиб борган. Ҳазрат карвон эса ҳаммани олдига солиб қувган...

Отам ҳикоясида давом этарди. Аммо, менинг кўз ўнгимда ушоққина, ҳаммага жовдираб қарайдиган, лекин ҳеч ким унга назар солиб ҳам ўтирмайдиган Ҳазрат карвон гавдаланиб турарди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## «ШАҲАРЛИК» ТАЛАБА

***Жиззахлик курсдошимиз Ғулом ҳар сафар пойтахтга келса камина билан албатта учрашиб, ҳол-аҳвол сўраб кетади.***

Тунов куни иш билан Тошкентга келибди. Анча суҳбатлашдик. Шунда ёшлик хотиралари эсга тушиб кетди-ю, у талабалик даврида юз берган воқеани сўзлаб берди.

— Ўқишга янги келган пайтларим эсингдами, ошна? Бел бақувват, қишлоқдан анчагина пул олиб келганман. Ўзимни кўрсатиб қўяй дедимми ёки дўстларимга тантилигимни намойиш қилгим келиб қолдими, ҳар ҳолда акчани аямай сарфлайвердим. Ҳар куни зиёфат. Буни қараки, дўстлар ҳам олдимдан нари кетмайди. Охири бир тийинсиз қолдим. «Энди пулни аяб ишлатаман», деб аҳд қилдим ўзимга ўзим.

Стипендия ҳам қўлга тегди. Шакар олмоқчи бўлиб супермаркетга кирдим. Арзонроқ деб ўйлаган бўлсам керак-да. Бир халта шакар олдим. Нархини 450 сўм деб ёзиб қўйибди. Хурсанд бўлиб кассага яқинлашдим ва 450 сўм узатдим.

— 900 сўм бўлади, — деди кассир чек узатаётиб.

— Нега энди, ахир бир халта олган бўлсам. Адашдингизми-ё...

— Тўғри, шакарнинг бир килоси 450 сўм.

— Ана, кўрдингизми, — дедим мен, — адашдингиз.

Кассирнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нима бало, меровмисан? Ахир бир халта икки кило бўлади-ку.

— Кассирнинг «меровмисан» деган гапи алам қилдию, жавоб қайтардим.

— Ҳақорат қилманг. Биз ҳам шаҳарликмиз. Озгина бўлса-да қонун-қоидани биламиз.

Шу пайт кассир қўлимдаги чек қоғозини жаҳл билан тортиб олди-да, 450 сўмни олдимга ташлаб.

— Э, бор, шакарни ўша шаҳарингдан ол. Кимнинг навбати — деса бўладими.

## МАЛЛАСОЧ КЕЛИН

***Йигирма беш йилча аввал ҳарбий хизматдан бойвуччаси билан кириб келган Мурод ака ҳикоя қилади:***

— Лариса билан уйга кириб келдик. Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар юзларини терс ўгиришди.

— Пешонамга шу малласочни келин қилиш ёзилган экан, энди нима қиламан, — деб ойим дод солади.

— Ўрислар тўғрисўз халқ бўлади, эл бўп кетар, — деб дадам юпатади.

Ҳаммадан ҳам Усмон пакананинг гапи ошиб тушди.

— Тўй харажати ҳам «эконом» бўлиб ёнга қолди. Яша, Мурод.

Хуллас у бўлди, бу бўлди, қариндош-уруғларнинг «эти» бироз ўлиб гап-сўз тинчиди.

Ларисага ўзбекча салом беришни ўргатсам ҳам ҳеч тили келишмайди. Эрталаб пешайвонга чиқиб, ҳовлида куймаланиб юрган ойимга «Доброе утро» деганини биламан, ойим тескарига ўгирилиб нари кетдилару индамадилар.

Эртасига шу ҳол яна такрорланганда эса чидаб туролмадилар.

— Ҳой, Мурод. Бу ўзи қаерда тарбия олган?

— Нима бўлди ойи?

— Жа-а, ким бўп кетибдики, ҳар саҳар чиқиб менга таълим беради: «Тўғри ўтир, тўғри ўтир». Бунингни тартибга чақириб қўйгин болам.

Ўшанда кулгидан ўзимни тийиб туролмаганман.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



**Истиқлол шарофати билан ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар, ислоҳотлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Дарҳақиқат, ҳар бир тармоқда, ҳар бир соҳада бажарилган ишлар киши дилини қувонтиради. Аммо, ютуқлар ўзимизники. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, айрим пайтда турли салбий ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Бу табиий жараён албатта. Камчиликларни, муаммоларни биргалашиб, кенгашиб ҳал этиш ўз қўлимизда. Халқимизда, «Кенгашли тўй тарқамас» деган ҳикматли ибора бор. Шу ҳикматга амал қилган ҳолда бугунги «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материалларини сиз азизлардан келган таклифлар, мулоҳазалар, шахсий фикрлар асосидаги мактублардан тайёрлашга ҳаракат қилдик.**

**Яна эслатиб ўтамиз, таҳририятимизга мактуб йўлланг, 133-08-74 телефонига сим қоқинг.**

*Бизга жавоб берадилар*

## ТАКЛИФЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

***«Тошкент оқшоми» газетасининг 2003 йил 24 декабрь сонидаги «Хатлар-ҳаёт ойнаси» саҳифасида Неъмат Ҳасановнинг «Соғлом рақобат-ривожланишга замин» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда шаҳар транспорти фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан бажарилаётган ишларга ижобий баҳо берилган, ҳамда 61, 81-автобуслар йўналишига ўзгартиришлар киритиш ҳақида таклифлар билдирилган эди. Яқинда таҳририятимизга ушбу масалага жавоб тариқасида «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Тўлқин Дадабоевдан мактуб келди. Қуйида эътиборингизга ана шу жавоб хатини эълон қиламиз.***

«Тошкент оқшоми» газетасида ўтган йилнинг 24 декабрь куни чоп этилган «Соғлом рақобат-ривожланишга замин» сарлавҳали мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси йиғилишида муҳокама қилинди.

Таҳририятга шуни маълум қиламизки, 61 ва 81-автобуслар йўналишлари пойтахт аҳолисига хизмат кўрсатаётган бўлиб, белгиланган қатнов йўли уларни шаҳар маркази билан боғлайди. Мазкур йўналишларда барқарор йўловчилар оқими вужудга келганлигини инобатга оладиган бўлсак, таклиф этилаётган йўналишларни ўзгартиришнинг ҳозирча имкони йўқ. Сабаби бу жараён йўловчилар учун анча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари қўшимча ҳаракат таркибларини қўшмасдан 61 ва 81-автобус йўналишларини узайтириш оралиқ қатнов вақтининг чўзилишига, бажариладиган қатнов сонининг камайишига ва хизмат кўрсатиш сифатининг пасайишига олиб келади. Аммо, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти ходимларига шаҳар транспорти фаолиятини яхшилаш юзасидан ўзининг таклифлари битилган мақолалари билан чиқаётганлиги учун миннатдорчилик билдиради. Транспорт соҳаси фаолиятининг янада яхшиланишида ушбу ҳамкорлик самара беради албатта.

***Аёл — табиат яратган буюк мўъжиза. Аёлсиз оилани тасаввур этиш мушкул. Ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан бири, бу—аёлни эъзозлаш ва эҳтиром кўрсатишдир. Хонадонларимизни ўз меҳру муҳаббати билан, эзгулик ва нафосат нурлари билан мунаввар этадиган зот ҳам мана шу мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.***

*Сиз бунга нима дейсиз?*

## НАҲОТКИ ШУ ҚИЗ МОҲИРА?

Ўзбек оилаларида азал-азалдан қиз боланинг одобига катта аҳамият бериб келинади. Қиз бола ёшлигидан уй юмушларига қарашади, тикиш-бичишга ёрдамлашади, балоғатга етганида бир оиланинг суюкли келини бўлиши учун кичкиналигидан бошлаб оилавий ҳаётга тайёрланиб боради.

Ҳаё, ибо, иффат ҳамда ёноқларидаги қизиллик ўзбек қизларига мос ва хосдир. Уятчанлик ва андишалик, одамнинг кўзига тик боқмаслик қизларимиз қадрини янада кўтаради. Лекин минг афсуслар бўлсинки ҳозирги кунда айрим қизларимизнинг юриш-туриши замонавийлашиб, ҳатто андишаю одобни, ҳаёю ибони ҳам йўқотиб қўймоқдалар. Миллатимизга хос бўлмаган кийимларни кийиб ўз қадр-қимматларини ерга урмоқдалар. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди.

Қиш кунларининг бирида дугонам билан ишдан қайтаётган эдик. Йўлда ён қўшнимизнинг қизларини кўриб қолдим. Соат етти-саккизлар, қишда кун қисқа, тез қоронғу тушади. Сайилгоҳ кўчасида турган Моҳира калта «мини» юбка кийиб олган, сочларини ёйиб узун қилиб ташлаб олган, пардоз-андозини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Уни кўрдиму ҳайратдан ёқа ушладим. Тилим калимага келмай қолди. Наҳотки мана шу қиз Моҳира бўлса? Нега кечаси кўчада юрибди экан-а? Дадаси жуда қаттиққўл эди-ку!? Ҳайрон бўлганимча уйга қайтдим. Орадан чамаси ярим соатлар ўтгач Моҳира кириб келди. Кийимлари бошқа, сочлари йиғилган, пардоз-андозини ҳам ўчириб ташлаганди.

— Ҳа, Моҳира тинчликми? — деб сўрадим ундан.

— Ҳа, тинчлик. Илтимос, мени кўрганингизни ҳеч ким билмасин. Дугонамникига дарс тайёрлагани боргандим. Ҳеч қўймай кийинтириб қўйди. Дискотекага борамиз деб тихирлик қилаверди. Бир марта борсам ҳеч нарса бўлмайди-ку, деб боравердим. Фақат дадам ҳеч нарса билмасинлар. Илтимос, ҳеч кимга айтманг, дея ялиниб кетди.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлганимдан кейин ўйга толдим. Наҳотки қирқ кокилли, эгнидан атлас кўйлак, бошидан зар дўппи тушмайдиган қизларимиз шунчалар тубанлашиб кетишяпти. Дадасидан беркиниб бугун дискотекага борса, эртага нима бўлади? Кўнгли бошқа нарсани тусаб қолмаслигига ким кафолат беради? Ҳаётимизнинг давомчилари бўлмиш қизларимиз эртага бир оиланинг суюкли келинчаги бўладилар. Улар оиланинг пойдеворини мустаҳкам қилиб қуриш учун замин яратишлари даркор эмасми? Сиз бунга нима дейсиз, азиз оқшомхон!

**Холида ТОЛИПОВА**

*Газетхон миннатдорчилик билдиради*

## «ОҚИБАТ»ЛИКЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

***Юртимизга гўзал баҳор ўз сепини ёйиб, ҳар бир ҳамшаҳримизни ёшариш, яшнаш фаслининг файзтароватидан завқлантирмоқда. Хайрли анъанага айланган баҳорги юмушлар — ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, меҳр-мурувватли эзгу ишлар, савобли амалларга эътибор янада кучайди. Мазкур ишларда шаҳримизнинг барча маҳаллалари аҳолиси фаол қатнашиб, анчагина юмушлар бажарилди. Шу билан бирга, бу ишларга тегишли идора, ташкилотлар ишчи-хизматчилари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.***

— «Оқибат» маҳалласи аҳолиси бизга кўрсатилган катта ёрдамдан бениҳоя миннатдормиз, — дея таҳририятимизга хат йўллашибди 11-уйда истиқомат қилувчилар номидан М.Зокирова. Яҳё Ғуломов (аввалги Гоголь) кўчасини кесиб ўтувчи қувурни тозалаб, таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатган ишчи-хизматчиларга алоҳида ташаккуримизни билдирамиз.

Ёғингарчиликлар оқибатида ариқларга сув келиши билан уйимиз жойлашган кўчага, ачинарлиси, кўп қаватли уйимизнинг ертўласига сув тошар эди. Айниқса, жорий йилнинг серёғин келиши бизни янада ташвишга қўйди.

Маҳалламиз жонкуярлари Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига, айнан қўмитанинг давлат нозири Раъно Ниғматуллаевага, Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқаҳҳор Ғаниевларга мурожаат этишди. Уларнинг тезкорлик билан кўрган чора-тадбирлари самараси ўлароқ сув хўжалиги 3-участкаси бўлим бошлиғи Валихон Асилбоев бошчилигидаги малакали ишчилар қувурни тозалаш ишларини сифатли бажардилар.

Бу хайрли, катта миқёсдаги ишни бажарган ишчи-ходимлар туфайли бутун маҳалла аҳли кўнгиллари тоғдай кўтарилиб, улар эндиликда ишга, ўқишга бемалол, бехавотир бориб келмоқдалар. Шу каби эзгу, савоб юмушларни амалга оширишга бел боғлаган барча ташкилотлар ходимларига куч-ғайрат ва шижоат тилаймиз. Меҳр ва мурувват йилида имкони борича хайрли, савобли ишларни биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб амалга оширайлик, азизлар!

*Футбол*

## ЎЗИГА ХОС ЎЗГАРИШ

***Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор»нинг Осиё чемпионлар лигаси баҳсларидаги рақиби Баҳрайннинг «Ал Риффа» жамоаси мусобақаларда қатнашишдан бош тортганлигидан мухлисларнинг хабари бор албатта.***

Шуниси қизиқки, «Ал Риффа» жамоасининг мусобақаларни тарк этганлиги «Пахтакор» футбол клубига ҳам жиддий муаммо туғдирди. Гап шундаки, пойтахт клуби раҳбарияти ташаббуси билан «Пахтакор» — «Ал Риффа» учрашувига кўп миқдордаги чипталар аввалдан тайёрлаб қўйилганди. Ушбу чипталарнинг йўқ қилиниши эса маълум қийинчиликлар туғдиради. Шу боис Эроннинг «Зоб Аҳан» жамоасига қарши 5 майда Тошкентда ўтказиладиган учрашувга янги чипта тайёрланмайдиган бўлди. «Пахтакор»—«Ал Риффа» учрашувига чиқарилган чипталар устига «Зоб Аҳан» деган ёзув босилди. Демак, 5 май куни «Пахтакор» марказий стадионига ташриф буюрадиган мухлислар эски чиптадан фойдаланадилар.

## ПОЙТАХТЛИК ЁШЛАР — БИРИНЧИ

***Пойтахт вилоятининг Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўрта мактаблар жамоалари ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг футбол йўналиши бўйича финал босқичи учрашувлари бўлиб ўтди.***

Тўрт гуруҳда ташкил этилган беллашувлар давомида биринчи ўринни эгаллаган жамоалар ярим финалга йўл олишди. Қизиқарли, кескин муросасиз баҳсларнинг ҳал қилувчи финал ўйинида Тошкент шаҳрининг ёш чарм тўп усталари бухороликларни 3:0 ҳисобида енгиб «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг бош совринини қўлга киритишди. Шунингдек, учинчи ўрин учун Навоий ва Наманган вилоятлари жамоалари ўртасидаги баҳсда наманганликлар рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Қизиқарли беллашув 2:1 ҳисобида якунига етди. Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддилар томонидан совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

## КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

***Кейинги пайтларда минифутбол ҳам юртимизда тобора ривожланиб бормоқда. Шуниси эътиборлики, минифутбол бўйича мамлакат биринчилиги ва Ўзбекистон Кубоги мусобақалари мунтазам ўтказиб келинияпти.***

Жорий йилги мини-футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳсларида ғолибликка асосан тўрт жамоа даъвогарлик қилмоқда. Беллашувлардa рақибларидан кўра чиройли ўйин намойиш этаётган Тошкент шаҳрининг «Солиқчи», «Ардус», Наманган вилоятининг «Зафар-17», Зарафшон шаҳрининг «Строитель» жамоалари ярим финал беллашувларини давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Шаҳарлар пайрови*

# САЁҲАТЛАР МУБОРАК!

***Кунлардан бирида Қўқон автошоҳбекатида учрашиб қолган эски қадрдонлар — аскиячилар Йўлдошхон ва Адҳамжон Матхалиловлар шаҳарлар пайровидан андоқ сўзамоллик қилдилар.***

ЙЎЛДОШХОН: — Адҳамжон, кейинги йилларда мамлакатимиз янада ободонлашиб, харитамизда қатор янги шаҳарлар пайдо бўлди. Келинг, республикамиз бўйлаб бир саёҳат қилайлик. **Қарши** эмасмисиз?

АДҲАМЖОН: — Жуда яхши ўйлабсиз. Менда ҳам шунақа ният бор эди. Демак, саёҳатлар муборак!

ЙЎЛДОШХОН: — Адҳамжон, узоқ йўлга чиқяпмиз. Йўлга у-бу пиширтириб олсак, **Норин** бўлса ёмон бўлмасди.

АДҲАМЖОН: — Йўлдошхон, саёҳатга кетаётганимизни сиз билинг-у, мен билай. Бегонани аралаштирманг. Ўртамизда **Бўка** бўлиб юрмасин.

ЙЎЛДОШХОН: — Поездга билетни олиб қўйдик. Бу ҳам саёҳатга жўнашимиздан **Нишона**-да.

АДҲАМЖОН: — Йўлдошхон, икковимиз бир йўлга тушсак, бизга **Кува** ҳам бир тош. Шунақа эмасми?

ЙЎЛДОШХОН: — Тўғри айтдингиз, энди бизга йўл писандми? Олдин **Учқўрғон**ни кўрсатиб келайми?

АДҲАМЖОН: — Йўлдошхон, йўлни Бухорога солсак, дегандим. Лекин, **Жиззах**да ушланиб қолмасак эди-да.

ЙЎЛДОШХОН: — Нега ушланиб қолар эканмиз, ёки ҳалигидай... таниш **Шаҳрихон**ларингиз борми?

АДҲАМЖОН: — Эй, қўйсангиз-чи, шунақа гапларни. Мен билган **Шаҳрихон**лар уйли-жойли бўлиб кетишган. Нима дейсиз, кичкина қўрмана билан борсакмикан?

ЙЎЛДОШХОН: — Демак, меҳмонга кириб ўтамиз, демоқчисиз. Шундайми? **Бектемир** поччам тўғри тушунса-тушунди... Бўлмаса, икковимизни **Косон**га қараб қувлаб қолса-я?..

АДҲАМЖОН: — Унақада **Қўшкўпир**нинг таги минг танга бўлиб кетар, деймaн-ов...

ЙЎЛДОШХОН: — Бир саёҳатга чиққанимизда Хоразм томонларни ҳам кўрсатиб келсангиз, **Асакан**гиз кетармиди?

АДҲАМЖОН: — Йўлдошхон, мени айлантиргани олиб келгансиз. Ҳамма нарсани номма-ном тушунтиринг. **Манғит**ман.

ЙЎЛДОШХОН: — Мен ҳам сизга ишониб юрувдим. Роса топишибмиз-да. Сиз ҳам **Ғиждувон** экансиз.

АДҲАМЖОН: — Сафарга чиқишдан олдин ҳамма нарсани олдингизми? Ҳеч нарса эсингиздан чиқмадими? **Чироқчи**?

ЙЎЛДОШХОН: — Адҳамжон, хотирангизга қойилман. Чироқни эсга солмагaнингизда **Янги ерларда** роса адабимизни ер эканмиз.

АДҲАМЖОН: — Йўлдошхон, ҳар эҳтимолга қарши **Термиз**ни ҳам олволинг.

ЙЎЛДОШХОН: — Ҳали **Шўрчи** бу ёқда қолиб, **Учкўприк**дан сув ичамиз, денг.

АДҲАМЖОН: — Саёҳатимиз ҳам якунланиб қолди. Келинг, бугунги ошни **Қорасув** бўғида қила қолайлик.

ЙЎЛДОШХОН: — Мана, республикамизни ҳам айланиб чиқдик, ҳисоб. Ҳамма шаҳарлар бири-биридан чиройли, гўзал. Ҳаммаёқ Гулистону, Шаҳрисабз. Келинг, Адҳамжон, аскияларимиз **Қўқон** бўғида авжига чиқаверсин.

**Алишер ИСОМИДДИНОВ**

*Шахмат*

# ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

***Ҳозирги «шахмат» сўзи бу ўйиннинг асл маъносини билдиради. Руслар «шахмат» сўзини тўғридан-тўғри Шарқдан қабул қилишган; немисча «шахшпил»нинг тарихи ҳам шундай. Шоҳ — шахматнинг асосий донасидир. Чатуранга — чатурража пайдо бўлганида ҳиндлар уни «подшоҳ», «шоҳ», бенгалияликлар эса «Раж», «Рожа» деб атай бошлаганлар. Шахмат Шарққа ёйилгач кўп жойда унга «шоҳ» деб ном беришади. Фарзин (вазир) — арабча бўлиб, унинг луғавий маъноси: оғирлик елкасига юк ортган, вазифа юкланган.***

Академик А.Кримскийнинг фикрича, давлатни бошқаришда вазирлик лавозими илк бор Аббосий халифалари даврида (VIII-IX) асрлар, сомонийларда пайдо бўлган. Эронда сомонийлар ҳукмронлик қила бошлашидан олдинги даврларда шоҳ ёнидаги маслаҳатгўй энг муҳим ишларни бажарадиган киши «муаллим», «мураббий», «раҳбар» деб аталган. Фирдавсий ҳам шахмат «вазири»ни мураббий, раҳбар маъноларида кўзда тутган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, вазир сўзи IX-X асрларда кириб келган. Ушбу сўз озарбайжон тилида ҳозир ҳам атама сифатида ишлатилмоқда. Вазир сўзи эндиликда оғирлик, юк маъносини эмас, форсча «фирзин», арабча «фарзин», яъни ақлли, доно, давлатни идора қилишда донишманд киши — бош вазир маъноларини билдиради. Ўрта аср шатранж қоидаларига кўра вазир — «фарзин» ҳозиргидан анча заиф дона бўлиб, диагонал бўйича бир хонагагина юра олган. Демак, давлатни бошқариш ишида қатнашувчи вазир шоҳдан узоқроққа кета олмаган, доимо унинг ёнида туриб, ўз маслаҳатлари билан бошқарув ишларига кўмаклашган. Шунинг учун шахмат вазири — фарзинга ҳам узоқроққа юриш имконияти берилмаган.

Руҳ — сипоҳи ҳақида. Ҳиндистонда шахмат ўйини пайдо бўлганида «ратха» (уруш араваси) деб аталган. Ҳинд қўшинларида «ратха»лар асосий зарба берувчи жанговар воситалардан бўлган, кейинчалик Ўрта Осиёда, Эронда бу сипоҳни руҳ дейиш бошланган. «Ратха» сўзини Осиё халқлари қуйидаги мулоҳазаларга кўра, «руҳ» сўзи билан алмаштир ган. Гарчи Ўрта осиёликларда ва форсларда уруш араваси бўлсада, «ратха» сўзи уларга мутлақо нотаниш эди, бунинг устига ратха каби талаффуз этиладиган «руҳ» сўзи бўлган, бу сўз юз-янок, афсонавий қушни билдиради. Бундан ташқари ҳинд қўшинларида уруш араваси таҳликали бўлгани каби, афсонавий қуш — руҳ ҳам забардаст эди. Бу фикр Беруний асарида ҳам бор. Бу тўғрида академик Ҳ.Зиринзола ҳам муфассал маълумот беради. Унинг ёзишича, форслар ҳам ратхани қабул қилмадилар, чунки улар уруш аравасини «арробайи жанг» дердилар. Бу Ўрта Осиё халқлари ва озарбойжонлардаги «арба», «ароба», «арава»нинг форс тилига кўчган шаклидир. Бинобарин, сосонийлар даврида яшаган халқлар шахмат билан танишгач «ратха» ўрнига, «арробайи жанг»ни эмас, «руҳ»ни ишлатдилар. Руҳнинг ҳозирги фарзиндек энг кучли дона — сипоҳ бўлганлигининг бир сабаби — у қушнинг забардастлиги рамзидир. Биз «руҳ» сўзига илк дафъа ас-Сулий асари ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида дуч келдик. Академик И.Орбели ва К.Тревернинг фикрларига асосланиб, «чатранамак» VII аср охирлари VIII аср бошларида ёзилган деб қабул қилсак, «ратха» ўрнини «руҳ» олган давр тахминан VII аср ўрталари IX аср бошларига тўғри келади.

**Анвар ИНОҚОВ,**
**шахмат шарҳловчиси**





### МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1) Оқлар бошлаб икки юришда қора шоҳни мот қилади.

2) Оқлар бошлаб 11-12-юришга келганда қоралар таслим бўлади. Ўзига яраша мураккаб этюдлардан.

# ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Куни кеча Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида қўшма шартнома имзоланди.***

Юртимизда спортни янада ривожлантириш мақсадида тайёрланиб, имзоланган мазкур шартномада, халқаро майдонларда спортнинг футбол турининг обрўсини кўтариш, терма жамоаларни, мураббий, ҳакамларни тайёрлаш, келажаги порлоқ ёш спортчиларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

— Давлатимиз томонидан спортга берилаётган эътибор беқиёс эмас, — дейди Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов. — Спорт — бу миллатни жаҳон майдонига олиб чиқадиган поғоналардан биридир. Шундай экан, Олимпия ва Осиё ўйинлари ҳамда бошқа йирик спорт тадбирларига спортчиларимизни тайёрлашимиз, олимпия ҳаракати ва олимпия ўйинлари ҳақида ёш спортчиларимизга билим беришимиз, шунингдек жисмоний тарбия ва спортни бошқариш органлари ҳамда бошқа спорт ташкилотлари билан биргаликда, улар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, спортчи ва мураббийларнинг манфаатларини махсус ҳимоямизга олишимиз, уларга керакли шарт-шароитлар яратиб беришимиз керак. Юртимизда спортнинг футбол турини янада ривожлантириш учун спортчилар ва мураббийларга илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкиллаштириш, келажаги порлоқ спортчиларимизга олимпия стипендияларини белгилаш ва шунга ўхшаш бошқа масалалар шартномада кўзда тутилган.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

SONY-54, кумушсимон стерео 200 у.е, SONY-63, кумушсимон стерео 300 у.е. Янги телевизорлар сотилади.
**Тел: 22-98-05**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607. 1 2 3 4 6